



ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ



маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал





МУНДАРИЖА:

| | |
|---|---|
| Шовосил ЗИЁДОВ. Диний соҳа мутахассисларининг касбий маҳоратларини юксалтиришда Имом Бухорий халқаро марказининг тутган ўрни..... | 4 |
| Мизроб БЎРОНОВ. Инсоният ва руҳоният..... | 6 |

АЖДОДЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

| | |
|---|---|
| Отабек МУҲАММАДИЕВ. Алоуддин Усмандийнинг “Тарикату-л-хилоф фи-л-фикҳ” асарининг ягона қўлёзма нусхаси..... | 8 |
|---|---|

МАНБАШУНОСЛИК

| | |
|--|----|
| Барот АМОНОВ. Махбубийлар сулоласининг сўнги вакили – Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садру-ш-шариъа ва илмий мероси..... | 12 |
| Муҳаммадхон БУЗРУКОВ. Шох Неъматуллоҳи Валий хонақоҳига оид хужжатларнинг манбавий аҳамияти хусусида..... | 15 |
| Зайнаб КОМИЛЖОНОВА. XX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда чоп этилган тасаввуфга оид адабиётлар: тасниф ва таҳлил..... | 17 |

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

| | |
|---|----|
| Сарвар АБДУЛЛАЕВ, Миржалол ҚОСИМОВ. Қуръони каримда носих ва мансук масаласи..... | 19 |
| Абдулло ҒУЛОМОВ. Ҳанафийликдаги мотам ва таъзия маросимларининг тавсифи..... | 22 |
| Насриддин НАЗАРОВ. Миллат моҳиятининг айрим қирралари ва ислом дини..... | 24 |

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

| | |
|---|----|
| Разия МАТИБАЕВА. Абу-л-Муайяд Маккий – Мовароуннахр ханафий олими..... | 26 |
| Қахрамон ЯКУБОВ. Хива хонлигида анъанавий мактаб таълими: ўқув жараёни ва моддий таъминоти (Муҳаммад Юсуф ясовулбоши вақфномаси асосида)..... | 29 |
| Алишер ЯРКУЛОВ. Шулуқтепа – Жанубий Сўғддаги ўрта асрлар шаҳри..... | 32 |
| Феруз БОБОЕВ. Қашқадарё вилоятидаги сиёсий жараёнларга совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг таъсири..... | 34 |
| Абдурахмон БОДИРОВ. Зарафшон воҳасида амалга оширилган “Ҳужум” ҳаракати тарихидан..... | 38 |
| Ойбек КЛИЧЕВ. Туркистон археология ҳаваскорлар тўғарагининг Бухоро амирлигидаги фаолияти ҳақидаги мактублар..... | 41 |
| Зилола ХАЛИЛОВА. Совет даврида Ўзбекистон мадраса тингловчиларининг кундалик турмуш тарзи ва одатлари..... | 44 |
| Шербек РАВШАНОВ. XX аср бошларида Ўрта Зарафшон воҳасида этнодемографик жараёнларнинг ўрганилиши..... | 47 |

| | |
|---|----|
| Жамолиддин КАРИМОВ. Ўрта Осиё яҳудийлари сўзлашув тилининг келиб чиқишига оид қарашлар..... | 49 |
| Дилшод ХАЙДАРОВ. Ўзбекистонда ресурс шаҳарларнинг шаклланиш тарихидан..... | 52 |

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

| | |
|---|----|
| Жулдуз ТУРЕКУЛОВА. Мустамлакачилик жамиятида тараққиёт ғояси ва Сувайш каналининг қурилиши..... | 55 |
| Шуқурилло УМАРОВ. Дунё динлари таълимотида бағрикенглик масаласи..... | 59 |
| Дилафрўз ЮСУПАЛИЕВА. Ўзбекистон телевиденияси тараққиёти масалалари..... | 61 |
| Бекзод ЖУМАНИЯЗОВ. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш ва ривожлантириш – олий стратегик мақсад..... | 63 |
| Асрор МУЗАФФАРОВ. Ёшлар фаоллигининг ижтимоий-маънавий мезонлари: шарқона ва ғарбона ёндашув..... | 66 |
| Одил МУСАЕВ. Диний бағрикенглик ва миллатлараро муносабатлар..... | 70 |
| Камол УСМОНОВ. Ҳадисларда ҳарбий ватанпарварлик фазилатларининг талқини..... | 73 |
| Мансур МУСАЕВ. Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон ташаббуси..... | 75 |

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

| | |
|---|----|
| Шоҳида ШАКИРОВА. “Қанзу-л-маориф” асарининг тадқиқи ва Санойининг фалсафий қарашлари..... | 79 |
| Гулчеҳра НАВРЎЗОВА, Лола КАРИМОВА. Нақшбандияга ҳаёт бағишловчи асослар..... | 82 |
| Аминжон АЙМАТОВ. Табиат ва жамиятда эстетик муносабатлар уйғунлиги диалектикаси..... | 85 |
| Неъмат УБАЙДОВ, Баҳодир РАҲМОНОВ. Ислом фалсафасида рухий-маънавий юксак инсон масаласи (синергетик ёндашув)..... | 88 |
| Жамшид ОЧИЛОВ. Техноген цивилизация ва шахс технологик маданияти ривожланиши..... | 90 |
| Баҳодир ҒАНИЕВ. Тадбиркорлик фаолиятининг диний-маънавий илдишлари: тасаввуф таълимоти мисолида..... | 92 |

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

| | |
|---|----|
| Лобар АСРОРОВА. Зулматда қолган ёғду..... | 95 |
|---|----|

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

| | |
|--|----|
| Олимхон ЮСУПОВ. Кишининг ўз оиласига қилган нафақаси ҳақида..... | 97 |
|--|----|

ЯНГИ НАШРЛАР

| | |
|---|----|
| Шовосил ЗИЁДОВ, Бахтиёр ТЎРАЕВ. Бобур фалсафий дунёқараши китоби..... | 98 |
|---|----|

ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИ

| | |
|---|----|
| Муножотхон НУРМАТОВА. Кўринг бу кун Ўзбекистонни..... | 99 |
|---|----|

ШУЛЛУКТЕПА – ЖАНУБИЙ СЎҒДДАГИ ЎРТА АСРЛАР ШАҲРИ

Шуллуктепа ўрта асрлар шаҳар харобаси ҳисобланади. У Нахшабнинг иқтисодий ва сиёсий марказларидан бири бўлган. Шуллуктепада бир неча бор археология қазималари ўтказилган. Ушбу мақолада шаҳарнинг ривожланиши илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *Ўрта асрлар, Нахшаб, шаҳар харобаси, Шуллуктепа, иқтисодий ва сиёсий марказ, арк. Шуллуктепа средневековья городище. Оно было одно из экономических и политических центр Нахшаба. В Шуллуктепе несколько раз проводили археологических исследование. В данной статье анализировали научном основе развитие города.*

Shulluktepa is site of ancient settlement the Middle Ages. It is one is economical and political center of Nakshab. At the Shullyuktepa to carry several archeological investigation. In the article is analyzed scientific principles development of city.

Шаҳарсозлик маданияти қадимдан ривожланиб келаётган Қашқадарё – Жанубий Сўғд ҳудудида ўрта асрларда ҳам бир қатор йирик шаҳарлар қад кўтаради. Уларнинг кўпчилиги қадимги давр шаҳарларининг давомчилари ҳисобланади. Бундай шаҳарлар иқтисодий-сиёсий марказлар бўлиб, мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Шаҳарларнинг ривожланиши ва юксалишида уларнинг жойлашган ўрни, савдо йўллари, тарихий жараёнлар ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган.

Худди шундай йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази ва қолаверса, сиёсий марказ Насаф эди. Ўрта асрлардаги Насаф шаҳри ҳозирда маҳаллий аҳоли томонидан “Шуллуктепа” деб аталадиган Қашқадарёнинг чап қирғоғида дарё қайрилган ерида жойлашган эди. Дарёнинг ўша қайрилган ерида шаҳар ҳокимининг қалъаси (арки) бутун воҳадаги тепаларнинг энг баланди (28 м), икки қаватли тепа сифатида ҳозирда ҳам кўриниб туради. Аркнинг шимолишарқий қисмида унинг қалъа қисми бўлиб, у аркнинг юза қисмидан яна 15-17 м. баландга кўтарилган. Аркни чуқур хандақ ўраб туради, унинг атрофида тўғри бурчакли (450х350 м) шаҳристон шаклланган бўлиб, деворларининг тўрт томонида тўртта дарвозаси борлиги тепанинг шаклидан ҳам кўриниб турибди. Дарё қайирининг қолган қисми работнинг қалин қилиб қурилган иншоотлари харобалари билан тўла. Айнан, Қашқадарёнинг чап қирғоғидаги ерлар жуда кўплаб сўнги ўрта асрлардаги каналлар қазилиши даврида бузилган бўлганлиги учун ҳам работнинг умумий ҳажмини аниқлаш бироз қийинроқ. Чунки, бу шаҳар харобаси майдонининг катта қисми ҳозирги кунда экинзорга айлантирилган. Б.Д. Кочневнинг тахминига кўра, унинг умумий майдони 200 га бўлиши мумкин. У шаҳристондан 1200-1300 м. шарқ томонда, узунлиги 700 м, унчалик баланд бўлмаган мудофаа деворини аниқлаган [3: 168-169].

Ўз даврида Сўғддаги энг йирик шаҳар бўлган, майдони 220 гектарни ташкил этган Афросиёб шаҳар харобаси билан солиштирилганда бу шаҳар ҳам замонасининг йирик иқтисодий марказларидан бири эканлиги шубҳасиз.

Ёдгорликнинг Қашқадарёнинг ўнг қирғоғида жой-

лашган қисми эса нафақат каналлар билан кесилган, балки, бу қисмдаги ерлар ҳозирги пайтда ҳам ҳайдалиб турли экин экилиб келинмоқда. Шунинг учун Насаф шаҳрининг топографияси тўғрисида, айниқса, унинг работ қисми рельефига қараб туриб бирон бир нарса дейиш анча қийинчилик туғдиради.

М.Е. Массон Насаф шаҳрининг ўрнидаги ёдгорлик, яъни, “Шуллуктепа” номи келиб чиқишини XVIII аср билан боғлайди. Унда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ўғли Ризақулмирзо бошчилик қилган кўшинларни 1737 йилда Қарши шаҳрининг атрофларида қилган ҳаракатларини ёзган тарихчиларнинг ишида бу ердаги қадимги қалъани “Шулдук” деб аталгани тўғрисидаги хабарни беради [4: 56-57]. “Шуллуктепа” деб аталиши сабаби унинг дарё қайрилган жойида (зулуклар тўпланадиган жой) вужудга келиши билан боғлиқ. Шунинг учун халқ тилида бу шаҳар харобаси Шуллуктепа номини олган.

Шуллуктепа ёдгорлигининг арк қисмини умумий шакли бироз чўзинчоқроқ овал шаклида, узунлиги 175 м. ва кенглиги 70 м. атрофида (1-расм). Ёдгорлик икки қаватдан иборат бўлиб, қуйи қаватининг баландлиги 8 м. атрофида ва бу ерда кўплаб иморатлардан иборат ҳовли жойлашганлиги кўриниб турибди.

Аркнинг асосий монументал қисми юқори қавати бўлиб, унинг баландлиги 25 м. атрофида. Аркнинг атрофи анча чуқур ва кенг хандақ билан ўралган, унинг орқа қисмида эса, 70-100 га атрофидаги шаҳристон қисми ўраб туради. С.К. Кабанов ҳам бу ёдгорлик ҳудудида унчалик йирик бўлмаган қазималар ўтказган, аммо, уларни охиригача олиб бормаган. Унинг фикрича, “энг асосий тепа бу – ерда бунёд этилган дастлабки кўшк сифатида вужудга келган ҳамда милоннинг V-VI асрларида унинг атрофида унчалик йирик бўлмаган турар-жой макони вужудга келган, кейинроқ бу ердан сув олган каналларни бўйида IX-XI асрларда йирик шаҳар вужудга келган бўлиши мумкин, деган хулосага келган [2: 55-57].

Насаф дастлаб кичик қишлоқ, кейинроқ йирик шаҳар сифатида шаклланганидан бошлаб Қарши воҳасини сув билан таъминлайдиган макон бўлиб пайдо бўлган. Шунинг учун бу ерда тўғоннинг бўлиши табиий эди. Шундай экан, Насаф шаҳрининг жануб

ва ғарб томонини бир-бири билан боғлаш, қолаверса, маҳаллий йўлларни ҳамда халқаро савдо йўлидаги карвонларни Қашқадарёдан ўтадиган жойи ҳам шу ерда бўлган бўлиши мумкин. Айнан, Қашқадарёнинг остидаги терилган пишиқ ғишт уюмлари дарё тўғони ва унинг устидаги кўприкнинг қолдиқларидан иборат бўлиши керак.

Эфталийлар даврида Жанубий Сўғднинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Ерқўрғон VI аср ўрталарига келиб воҳа маркази сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Бунга эфталийлар ва туркларнинг сосонийлар билан иттифоқи ўртасидаги шиддатли жанглири сабаб бўлган. Ушбу асрнинг 60-йилларида эфталийлар давлатининг бошқа жойларида бўлгани сингари Жанубий Сўғдда ҳам қақшатқич тўқнашувлар бўлиб ўтади. Бу эса, стратегик жиҳатдан катта мавқега эга бўлган Ерқўрғоннинг харобага айланишига олиб келган. Тўғри, Ерқўрғонда ҳаёт яна бир қанча вақт давом этади, лекин, у қайтиб аввалги даражасига кўтарила олмайди. А. Раимқуловнинг фикрича, бунга Ерқўрғонни сув билан таъминлаб турган Рудаксойнинг тамомила вайрон бўлиши сабаб бўлган бўлиши мумкин [5: 260-270].

Халқ бунёдкорлиги яна бир марта ўз кучини намоян этади. Ерқўрғондан 3,5-4 км. узоқликда жойлашган қишлоқ эндиликда унинг ўрнини эгаллайди ва шаҳар сифатида қад кўтаради. Бу шаҳар дастлаб Нахшаб, кейинчалик араб манбаларида Насаф сифатида юритилади. Нахшаб тезда ўз мавқеини тиклаб олишига юқорида тилга олинган омиллар билан бирга, сув манбаси бўйида жойлашганлиги ҳам туртки бўлган.

1986-87-йиллари шаҳар ҳоқими қалъаси қатламларида М. Исомиддинов ва А. Раимқуловлар казишма ишларини олиб бордилар [1: 64]. Олиб борилган ишлар натижасида жуда йирик, маҳобатли, квадрат шаклидаги (25x25 м.) архитектура комплекси топиб ўрганилди (2-расм). Ўрганилган бу бино қолдиғи катта йирик ҳовли шаклида қурилган бўлиб, унинг тўрт томонидан дахлизсимон (коридор) типидagi хоналар билан ўраб олинганлиги аниқланди.



Бугунги кунда шаҳар харобаси сифатида тилга олинган Шулуқтепа тарихда ўрта асрларда йирик савдо-хунармандчилик ва маъмурий марказ сифатида машҳур бўлган шаҳарлар қаторидан ўрин олган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Исомиддинов М.Х. Раскопки на городище Шулуқтепе. Раскопки на цитадели// Отчет о раскопках Еркурганского археологического отряда за 1987 г. – Самарканд: 1987. Архив ИААН РУз. Ф. 301.
2. Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности.
3. Кочнев Б.Д. Свод памятников археологии Узбекистана.

Дунёнинг тўрт томони йўналишида қурилган бу бино деворлари албатта, Насафдаги шаҳар аркида жойлашган қалъа бўлган бўлиши керак. Қалъанинг томонлари бўйлаб ҳар қайси томонда тўрттадан тўғри бурчакли (ўртача 2,70x3-4,50 м.) хоналари бўлиб, улар бир-бирлари билан тор дахлизлар (кенглиги 1 м. сал ортиқроқ) орқали туташиб туради. Бундай хулоса чиқаришимизга шу тор қилиб қурилган дахлиз (коридор) типидagi хоналарнинг арксимон қилиб ёпилган томлари ҳам гувоҳлик бериб турибди (3-расм). Бинонинг тўртала томони тўлиқ очилган, ammo, унинг уч томонида бинога қирадиган эшиги йўқ. Бинонинг шимоли-шарқий қисми анчагина кўпроқ шикаст еб бузилиб кетган бўлишига қараганда бинога кириш қисми ҳам ўша ерда бўлган бўлиши керак эди.

Қалъанинг марказий қисмида ҳажми 6x6 м. дан иборат қандайдир хонанинг ўрни сақланган. Маҳобатли бинонинг шарқий яримида қудуқнинг ўрни топилган бўлиб, унинг пишиқ ғишт билан мустаҳкамланган юқори қисмининг диаметри 2 м. яқин. Ўрта асрларга оид шаҳарларнинг арк қисмида қудуқларнинг бўлиши стратегик аҳамиятга эга бўлган, чунки турли уруш ҳолатларида қалъада қолган қауриқчилар ва бу ердаги аҳоли учун сувга бўлган тақчилликка йўл қўйилмаган. Шунинг учун Ўрта Осиёдаги жуда кўплаб йирик шаҳарларнинг арк қисмида қудуқларнинг аниқланганлиги маълум ва бундай ҳолатнинг бўлиши мутлақо табиий нарса эди.

Шундай қилиб, Шулуқтепа ўрнида бўлган Нахшаб шаҳрининг ривожланишини археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар асосида қуйидаги асосий даврларга ажратиш мумкин.

1. III-VI асрларда шаҳар ўрни дастлаб қишлоқ сифатида маълум бўлган.
2. VII-VIII асрларда Жанубий Сўғднинг маркази сифатидаги йирик шаҳар шаклланади.
3. IX-XII асрларга келиб Шулуқтепа ўрнида мавжуд бўлган шаҳар ўзининг энг ривожланган даврига кўтарилади.
4. XIII асрнинг бошларида шаҳар мўғуллар босқинига учраб харобага айланади.

Бугунги кунда шаҳар харобаси сифатида тилга олинган Шулуқтепа тарихда ўрта асрларда йирик савдо-хунармандчилик ва маъмурий марказ сифатида машҳур бўлган шаҳарлар қаторидан ўрин олган.

на. Раздел: Каршинский оазис. Архив ИААН РУз ф. 301. д. –109. – Самарканд: 1980.

4. Массон М.Е. Столичные города ... с. 41.; Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Т.: 1977.
5. Раимқулов А.А, Хидирова Г. Насаф-Қарши ўрта асрларда. ИМКУ 35. – Т.: Фан, 2006.

МУАЛЛИФЛАР:

- Шовосил ЗИЁДОВ** – Имом Бухорий халқаро маркази директори
Мизроб БҶУРОНОВ – Мустақил тадқиқотчи
Отабек МУҲАММАДИЕВ – Имом Бухорий халқаро маркази Нашриёт бўлими бошлиғи
Барот АМОНОВ – Имом Бухорий халқаро маркази Манбашунослик бўлими Бош мутахассиси
Гулчехра НАВРҶУЗОВА – фалсафа фанлари доктори, профессор
Лола КАРИМОВА – Тошкент давлат стоматология институти Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
Сарвар АБДУЛЛАЕВ – ТКТИ доценти
Миржалол ҚОСИМОВ – Тошкент ислом университети магистранти
Абдулло ҒУЛОМОВ – Тошкент ислом университети магистранти
Насриддин НАЗАРОВ – Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, сиёсий фанлар доктори
Разия МАТИБАЕВА – Тошкент ислом университети, тарих фанлари номзоди
Алишер ЯРКУЛОВ – Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси, Археология ва ЮНЕСКО билан ишлаш бўлими бошлиғи
Феруз БОБОЕВ – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси
Абдурахмон БОДИРОВ – СамДУ 2-сон лицей ўқитувчиси
Зайнаб КОМИЛЖОНОВА – Тошкент ислом университети, Исломшунослик мутахассислиги, 2-курс магистранти
Мухаммадхон БУЗРУКОВ – СамДУ катта ўқитувчиси
Ойбек КЛИЧЕВ – Бухоро Давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси
Зилола ХАЛИЛОВА – ЎзР ФА Тарих институти, кичик илмий ходими
Шербек РАВШАНОВ – СамДУ Тарих факультети, “Тарихшунослик ва манбашунослик” кафедраси ўқитувчиси
Жулдуз ТУРЕКУЛОВА – М. Ауъзов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат университети Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик кафедраси катта ўқитувчиси
Жамолиддин КАРИМОВ – Тошкент ислом университети катта илмий ходим-изланувчиси
Баҳодир РАҲМОНОВ – СамДУ мустақил изланувчиси
Неъмат УБАЙДОВ – СамДУ доценти
Дилшод ХАЙДАРОВ – СамДУ
Дилафрӯз ЮСУПАЛИЕВА – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, т.ф.н.
Шуқурилло УМАРОВ – Имом Бухорий халқаро маркази илмий котиби
Бекзод ЖУМАНИЯЗОВ – Урганч Давлат университети, Тарих кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси
Қаҳрамон ЯКУБОВ – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси
Асрор МУЗАФФАРОВ – ТДИУ ўқитувчиси
Одил МУСАЕВ – ЎЗМУ доценти
Камол УСМОНОВ – ЎзМУ “Этика ва Эстетика” кафедраси мустақил тадқиқотчи изланувчиси
Аминжон АЙМАТОВ – СамДУ доценти
Шоҳида ШАКИРОВА – ТошДШИ Мумтоз филология кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси
Жамшид ОЧИЛОВ – СамДУ мустақил изланувчиси
Баҳодир ҒАНИЕВ – ФарДУ мустақил изланувчиси
Лобар АСРОРОВА – Тошкент ислом университети мустақил-изланувчиси
Олимхон ЮСУПОВ – Имом Бухорий халқаро маркази Манбашунослик бўлими бошлиғи
Бахтиёр ТҶРАЕВ – Имом Бухорий халқаро маркази директор ўринбосари



*Dunyõga u.l.ugan
bõnuzga nazom õyrt
ba zer karõn
bõl.uzat.*

*U.õ.õ
Duxõpõt*

